O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
31 май
ШАНБА
№ 42
(12.053)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

БОЛАЖОНЛАР ДУНЁСИ – ГЎЗАЛ

Янгийўл шаҳрида болаларни мактабга тайёрлаш билан бирга уларда мусиқа, санъат, спорт йўналишларига қизиқиш уйғотишга алоҳида аҳамият берилаётир. Хусусан, "Болалар дунёси" марафони, "Жажжи гўзал", "Энг маънавиятли мактабгача таълим муассасаси", "Соғломжон – Полвонжон", "Аждодларимиз – фахримиз" каби кўрик-танловлар болажонларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, миллий маънавиятимизга ҳурмат, табиатни асраш туйғуларини шакллантириб, спортга қизиқиш уйғотяпти.

ОНА ТАБИАТГА МУҲАББАТ

Шаҳардаги 2-боғча ҳовлисидаги ҳар бир нарса болаларга мўлжалланган. Ҳатто катта дарахт тўнкаси ҳам бу эътибордан четда қолмаган. Унинг устидаги қуён ва тулкининг усталик билан ясалган ҳайкалчалари кишининг эътиборини ўзига жалб этади.

– Ҳамма нарсага бола кўзи билан қараймиз, – дейди боғча мудираси Муҳаббат Абдурасулова. – Биласизми, ўтган йили бир-икки туп дарахтни кесишга тўғри келди. Бир куни десангиз, тўнка атрофида уч-тўрт болажон ниманидир талашиб турганини кўриб қолдим. Яқинлашиб, сўзларига қулоқ тутдим. Тўнка устида ўтирган Умиджон ўртоғи Ўткиржонга қараб шундай дер эди:

– Яна бир дарахт кесилса, униси сенга бўлади. Хув анови дарахт эса Шокирники. Хафа бўлма, дарахтлар кўп-ку...

Бу суҳбатни эшитиб, ҳайратландим. Болаларда табиатга нисбатан бундай ножўя туйғуни уйғотишга энг аввало биз, катталар сабабчи эканлигимизни англаб, ўзимни айбдордек ҳис қилдим. Агар дарахтларни кесгандан сўнг тўнкаларини ҳам вақтида ковлаб олиб ташлаганимизда болаларда бундай нотўғри фикр уйғонмасди. Шундан сўнг бир рассомни топиб келиб, шу тўнкадан болажонлар учун қандайдир қизиқ бир нарса ясаш кераклигини тушунтирдим. У тўнкада ажойиб манзарани акс эттириб берди. Энди бу тўғри тарбия воситасига айланди.

Ҳар йили болажонлар ўртасида "Мафтункор ранглар дунёси" кўрик-танлови ўтказилади. Кичкинтойлар ўзларининг она-табиат манзаралари акс эттирилган расмлари билан иштирок этадилар. Бундай тадбирлар уларда атроф-муҳитга бўлган қарашни шакллантирибгина қолмай, балки табиатга меҳр-муҳаббатини кучайтиради.

ҚЎШИҒИМСАН, ВАТАНИМ!

Фортепьянодан таралаётган куй диққатимизни ўзига тортди. Мусиқа биз кириб келаётган 5-мактабгача таълим муассасаси биноси деразасидан таралиб турарди...

(Давоми 2-бетда).



Катта бўлганим сайин,
Меҳринг туймоқда таним.
Тупроғинг бунча майин,
Ҳур ва озод Ватаним!

Еркебой БОТИРОВ сурат-лавҳаси.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон Республикасида мустақил демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ғоялари ва бевосита ташаббуси асосида ҳамда раҳбарлигида босқичма-босқич амалга оширилаётган, жамият ва давлат ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган ислоҳотлар ва либераллаштириш жараёни мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини белгилаб берди.

Бу жараёнда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларга, шу жумладан, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, унинг жамиятдаги мавқеини ошириш, шунингдек, асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашдан иборат бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимни либераллаштириш масалаларига алоҳида ўрин ажратилган эди.

2001 йил 29 августда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг энг муҳим босқичларидан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган мазкур Қонуннинг муболағасиз ғоят катта аҳамияти ҳақида кўплаб мақолалар чоп этилган, қатор илмий ишлар қилинган, конференциялар ва учрашувлар ўтказилган. Бундан мақсад – қонунни қабул қилишда айрим ҳуқуқшуносларнинг жиноий жазолар либераллаштирилиши жиноятчиликка қарши курашишда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши ҳамда жиноятларнинг сонини кескин ошириб юбориши мумкинлиги ҳақидаги хавотирларининг ўринсиз ва асоссизлигини яққол кўрсатишдан иборат эди.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг либераллаштирилиши муносабати билан охирги беш йил давомида мамлакатимизда содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг сони йилига ўртача 18 мингтани ташкил қилди. Айни пайтда, биргина 2000 йилда бундай жиноятлар сони 42 фоизга кўп, яъни 31 мингтадан иборат бўлган.

Ярашув институти қоидаларини қўллаш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2002-2007 йиллар мобайнида жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан 57 минг нафардан ортиқ жиноят содир этган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинган.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари кескин камайди. Жиноий жазолар либераллаштирилгунга қадар, масалан, 2000 йилда жиноят содир қилган 31 минг нафардан ортиқ шахс ёки ҳар иккинчи айбланувчи дастлабки тергов даврида қамоққа олиниб, судланганларнинг деярли ярмига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланган бўлса, 2007 йилда фақат 13 минг нафар шахс ёки ҳар бешинчи айбланувчи қамоққа олинган. Судланганларнинг 70 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилган.

Қонуннинг моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмаслиги ҳақидаги талабини тушунтириш борасида олиб борилган кенг қамровли ишлар зарарнинг қопланиш даражасининг жиддий ошишига имкон берди. Охирги беш йил давомида прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов давомида 435 млрд. сўмлик зарар ёки умумий аниқланган зарарнинг 78 фоизи айбдорлар томонидан қопланиши таъминланган.

Либераллаштириш сиёсатининг самарадорлиги жиноий жазолар тизимини янада енгиллаштириш мумкинлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йилнинг 1 августида имзоланган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда 2005 йилнинг 8 августида имзоланган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлар суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур фармонлар асосида "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ишлаб чиқилиб, 2007 йил 11 июлда қабул қилинди.

Ушбу қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун барча ташкилий-тайёргарлик ва тушунтириш ишларини амалга оширишга анча узоқ муддат ажратилди. Бу борада қатор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилиб, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали ходимлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикри инобатга олинди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровлар шуни кўрсатдики, кенг тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида ўлим жазосининг тарафдорлари сезиларли даражада камайиб, мамлакатимиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (90 фоиз) давлат раҳбарининг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақидаги қонунчилик ташаббусини қўллаб-қувватлади.

2008 йилнинг 1 январидан янги қонунлар кучга кириб, амалиётда қўлланила бошлади. Шунда ҳақли бир савол туғилиши мумкин: ҳозирги кунда мазкур қонунлар қандай ишлаяпти, кутилган натижаларга эришилдими-йўқми?

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ҳозирда қонунлар тўлиқ ҳажмда ишламоқда ва уларни қўллаш борасида деярли муаммолар мавжуд эмас. Масалан, 2008 йилнинг 1-чорагида прокурорларнинг илтимосномалари асосида судлар томонидан 3.272 нафар айбланувчига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилди, айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳақидаги 10 та илтимоснома қаноатлантирилди.

Судлар томонидан прокурорларнинг қамоққа олишга санкция бериш ҳақидаги илтимосномаларини рад этиш ҳоллари ҳам мавжуд бўлиб, бу янги қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилишини тасдиқловчи ҳолдир.

Таъкидлаш жоизки, қайд этилган қонунларнинг қабул қилиниши билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни якунланмади. Аксинча, бизнинг олдимизда ҳали ҳал қилинмаган кўплаб масалалар турибди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини самарали таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва соддалаштириш, ундаги камчиликларни бартараф қилишга қаратилган қатор янги қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши бунинг яққол исботидир.

(Давоми 2-бетда).

ЭРТАНГИ КУН ПОЙДЕВОРИ

Келажагимиз эгалари – ёш авлод тарбияси, саломатлиги давлатимиз томонидан доимий эътиборда, ҳимояда. Улар нафақат байрам кунларида, умуман ҳамма вақт меҳр-оқибат оғушида.

Ангрен шаҳридаги 73-болалар лицей-интернати ўқувчилари ҳам давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан бахраманд бўлиб вояга етмоқда.

Ўқув йилининг тугаши ҳамда болаларни ҳимоя қилиш куни олдидан вилоят назорат-тафтиш бошқармаси ташаббуси билан ёзилган байрам дастурхони, концерт дастури ва турли совға-саломлар болалар кўнглини тоғдек кўтарди. Ҳомийлар ёрдами билан таъмирланиб, қайта тикланаётган ёпиқ сув ҳавзаси, бошқа таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағлар ҳам сўзсиз болалар учун, келажак учундир.

Сайёра ЭШМАТОВА.

ТИНЧЛИКСЕВАР ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Чирчиқ шаҳридаги 23-махсус мактаб-интернатда 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган "Ҳар бир фарзандга – меҳр-эътибор" байрам тадбири ўтказилди.

Унда болалар "Менинг мустақил юртим" мавзусида асфальтга расм чизиш машғулотларида қатнашишди. Танлов ғолибларига эсдалик совғалари топширилди.

Шаҳар ёшлар ижтимоий хизматлари марказининг фаоллари ёшлар билан қизиқарли ўйинлар ташкил этишди. Болалар бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларининг чиқишлари байрам иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Шоира ОХУНЖОНОВА.

Қўшма йиғилиш

КУН ТАРТИБИДА – ҚОНУН ИЖРОСИ

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сенат аъзолари ва вилоят кенгаши депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, прокуратура, суд, халқ таълими, меҳнат ва ижтимоий таъминот идоралари, "Маҳалла" жамғармаси ҳудудий бўлимлари, бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Қўшма йиғилишни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи, Халқ депутатлари вилоят кенгаши раиси Зиёвуддин Ниёзов кириш сўзи билан очди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Мавжуда Ражабова бошқарди.

"Болалар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларнинг бажарилиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари, ўсмирларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада яхшилашга доир вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилиш тегишли қарор қабул қилди.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

2008 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

Болалар ёзи – 2008

КЎРГАЗМАЛИ МАШҒУЛОТ

Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ қишлоғидаги "Ҳумо" болалар оромгоҳида ёзги таътилни фарзандларимиз учун кўнгилли ташкил этиш масалаларига бағишланган маслаҳат-ўқув кенгаши ўтказилди.

Унда вилоят бошқармаларининг раҳбарлари, касаба фаоллари иштирок этишди. Ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумини ўтказишда касаба ташкилотларининг вазифалари, оромгоҳларни педагогик кадрлар, тиббий ходимлар ва дори-дармонлар билан таъминлаш, санитария-гигиена, хавфсизлик хизматларининг фаолияти, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни ташкил этиш масалалари тевараги-да фикрлашиб олинди. Фавқулодда вазиятларда амалий ҳаракатларга доир кўргазмали машғулотлар ташкил этилди.

Иштирокчилар "Ўзбеккимёмаш" очиқ акциядорлик жамияти "Ҳумо" болалар оромгоҳининг мавсумга тайёргарлик даражаси билан таништирилди. Сутни қайта ишловчи кичик корхоналар ва хусусий фирмалар маҳсулотларининг кўргазмаси ташкил этилди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

Фармон ва ижро

БАНК ХИЗМАТИ КАФОЛАТИ

Акциядорлик-тижорат "Ипотека банк" Чирчиқ шаҳар филиали ташаббуси билан республика Президентининг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида семинар ўтказилди.

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, хусусий тадбиркорлар ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Семинарда фармонга асосан жисмоний шахслар томонидан банклардаги депозит ҳисобварақларига қўйиладиган маблағлари декларация қилинмаслиги, шунингдек, 2008 йил 1 апрелдан 2009 йил апрель оралиғидаги даврда қўйилган пул маблағларидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар олинмаслиги таъкидланди. Жисмоний шахслар банклардаги депозит ҳисобварақларига қўйилган пул маблағларини ўз хоҳишларига кўра чекловларсиз олишлари мумкин.

Семинар сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрдаги Қонуни билан Жиноят-процессуал кодексининг 332 ва 351-моддаларига киритилган ўзгартишлар жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратишда дастлабки тергов муддатларини ҳисоблашнинг қатъий тартибини белгилаб берди. Мазкур тартибга кўра, жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узоқроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади, жиноят ишини ажратишда эса бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувга ажратилган бўлса, ўша иш қўзғатилган пайтдан ҳисобланади.

Қайд этиш керакки, қонунчиликда илгари мавжуд бўлган ушбу камчилик туфайли терговчилар томонидан самарасиз ўтказиб юборилган тергов муддатини узайтириш йўли билан эмас, балки жиноят ишларини асоссиз бирлаштириш ва ажратиш ҳамда иш юритиш муддатини янги қўзғатилган жиноят иши бўйича ҳисоблаш орқали тергов муддатини тиклашдан иборат салбий амалиёт вужудга келган эди.

Бундан ташқари, тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилиши лозимлиги ҳақидаги норма жиноятларни, жиноят ишининг бир қисмини материал тариқасида ажратиш йўли билан ҳисобдан яшириш ҳолларига чек қўйди.

Янги киритилган юқоридаги қоидалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар томонидан ижобий баҳоланди ва тергов ходимларининг масъулиятини оширишга ҳамда жиноят ишларини сансалорликка солиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган ўз вақтида кўрилган кескин чора бўлди ҳамда процессуал қонуннинг тўғри қўлланишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 апрелдаги Қонуни билан Жиноят кодексининг 58-моддасига киритилган ҳамда жиноятга тайёргарлик ва унга суиқасд учун жазонинг юқори чегарасини белгилашдан иборат бўлган ўзгартишлар жиноий жавобгарликни янада либераллаштириш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди. Бундан буён шундай қилмиш учун суд томонидан тайинланадиган жазо Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги лозим.

Таъкидлаш лозимки, бу мамлакатимизнинг инсонпарварлик ва одиллик ғояларига содиқлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Мазкур тузатишлар қабул қилингунга қадар, айрим ҳолларда, жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб, жазоларни индивидуаллаштириш қоидаларига риоя қилинмас эди. Тугалланмаган жиноятларнинг хавфи камроқ бўлишига қарамасдан, айбдорларга нисбатан асоссиз оғир жазо тайинлаш ҳоллари учраб турарди. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар ва судланганларнинг қариндошларининг асосли эътирозларини келтириб чиқарар эди.

Бундан буён, суд амалиётидан тугалланмаган жиноятлар учун максимал жазо тайинлаш имконияти чиқариб ташланди.

2008 йил Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан 2008 йил 16 апрелда "Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қайд этиш жоизки, ҳукуматимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича Комиссия томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кўрилаётган чоралар, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида охирги йилларда мазкур тоифадаги шахслар ўртасида жиноятчилик камайиб бормоқда.

Шу билан бирга, оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасаларининг тарбиявий потенциали сусайиши, ота-оналар томонидан болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ мажбуриятлар етарли бажарилмаётганлиги, уларга салбий таъсир кўрсатилаётганлиги вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун бундай шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни ўз вақтида кўриш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида тилга олинган қонун вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг самарадорлигини ошириш мақсадини кўзлайди ва вояга етмаган шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳамда уларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жиноий жазо чораларини кучайтиришни назарда тутади.

Бундан ташқари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, уларни жойлаштиришда қонун талабларини бузиш ҳамда вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлик учун мазкур қонун билан маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни ва Оила кодексига киритилган ўзгартишлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим, даволаш ва бошқа муассасаларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқароларга ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Бу эса васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан мазкур болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида зарур чоралар ўз вақтида кўрилишини таъминлайди.

Миграция жараёнларининг кучайиши муносабати билан одамлар савдоси қамрови тобора кенгайиб бораётганлигини инобатга олиб, ҳозирги вақтда жаҳонда бу жиноятларга қарши курашиш масаласининг долзарблиги ортмоқда. Ўтган йилнинг февраль ойида Вена шаҳрида (Австрия) одамлар савдосига қарши курашиш мавзусига бағишлаб ўтказилган халқаро конференциянинг маълумотларига кўра, ҳар йили 2,7 млн. нафарга яқин шахс бу жиноятнинг қурбони бўлиб, уларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади.

Шу муносабат билан республикамизда бу иллатга қарши курашиш масалалари давлат миқёсида ҳал қилинмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон одамларнинг нолегал трафикига қарши курашиш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини ташкил қилувчи асосий халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлашнинг фуқаролик аспектлари тўғрисидаги Гаага Конвенцияси, Одамлар савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишаликда фойдаланишга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция ва унга Якунловчи баённома, БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича Конвенциясининг иштирокчиси бўлиб, бу борадаги ишларни давом эттирмоқда.

БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича Конвенциясини тўлдирувчи, 2000 йилнинг 15 декабрида қабул қилинган "Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида"ги Баённомада одамлар савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш учун бундай савдонинг олдини олишга, бу фаолият билан шуғулланувчи шахсларни жазолашга ва унинг қурбонларини, шу жумладан, уларнинг халқаро эътироф этилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз ичига олган кенг қамровли халқаро ёндашув зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Одамлар савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мазкур Баённоманинг қоидаларини миллий қонунчиликка сингдириш мақсадида 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Бу Қонунда "одам савдоси" ва "одамлардан фойдаланиш" тушунчалари белгиланган, одам савдосига қарши курашиш тизимининг ташкил этилиши тартиби, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, шунингдек, одам савдоси қурбонларининг ҳимояси ва ижтимоий-ҳуқуқий реабилитацияси масалалари ёритилган.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларга содиқлигини ва ўзининг халқаро мажбуриятларини бажараётганлигини тасдиқловчи яна бир далилдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Адвокатуранинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шароитларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги тутган ўрнидан келиб чиқиб, мазкур институтнинг ислоҳ қилиниши суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси сифатида эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, адвокатура институтини ислоҳ қилиш жараёни мустақиллик эълон қилинган дастлабки йилларда бошланган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида адвокатлар тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш лозимлигини, улар, биринчи навбатда, судлов амалиётида конституциявий ва ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя этилишини таъминлашлари, ўз ҳимояларидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишлари кераклигини таъкидлаган эди.

Кейинчалик қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги "Адвокатура тўғрисида"ги ва 1998 йил 25 декабрдаги "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлари илк бор мустақил Ўзбекистонда адвокатуранинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар яратиб, адвокатларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони — фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатлар мустақиллигининг кафолатларини кучайтириш ва ушбу касбнинг обрўси ҳамда нуфузини оширишга қаратилган навбатдаги муҳим қадамдир.

Фармонда адвокатурани ислоҳ қилишнинг қатор асосий йўналишлари, шу жумладан, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг мунтазам равишда касбга оид малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш, айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглиги ва шу каби бошқа масалалар кўзда тутилган.

Фармонга асосан тузилаётган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий тузилмалари адвокатлик уюшмасининг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этиб, Адвокатлар ассоциациясининг ўрнини эгаллайди. Ушбу нотижорат ташкилот фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида адвокатлик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, адвокатурани янада ривожлантириш, адвокатларни касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблардан ҳимоя қилиш ҳамда улар томонидан қонунчиликка ва касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишга хизмат қилади.

Фармон билан адвокатурага сифат жиҳатидан берилаётган янги мақом, албатта, адвокатларнинг профессионаллиги, компетентлилиги, виждонлилиги ва ҳалоллиги учун жамият олдидаги масъулиятини оширади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир қисмини ташкил қилади, холос.

Охирги ярим йил ичида қабул қилинган қонунлар билан қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартишлар киритилди. Ушбу тузатишлар жарима тарифасидаги жиноий жазони мажбурий ундириш ва жазони ижро этиш муассасасини ўзбошимчалик билан тарк этган маҳкумга нисбатан колония турини алмаштириш масалаларини ҳал қилиш тартибларини такомиллаштириш, судловга тегишлилик қоидаларини ўзгартириш, қимор ўйинларини ноқонуний ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартишларга биноан, қимор ўйинларида қонунга хилоф равишда иштирок этиш, бундай ўйинларга воя етмаганларни жалб этиш, шунингдек, ҳайдовчилар томонидан транспорт воситасини бошқариш пайтида телефон, теле-, видеомонитордан фойдаланиш ҳамда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ва Сенатида тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, фаолият билан лицензиясиз шуғулланганлик учун жавобгарликни белгилаш, хўжалик судларининг қарорларини фуқароларнинг шикоятлари асосида назорат тартибида кўриб чиқишни белгиловчи хўжалик процессуал қонуни нормаларини такомиллаштиришга оид ва бошқа қонун лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Шундай қилиб, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлатимиздаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг турли жабҳалари қамраб олинган. Бунинг сабаби – жамият ва давлатни демократлаштириш жараёни бир соҳа билан чегараланмасдан, кенг қамровли хусусиятга эгалигидадир. Бунда, демократлаштириш деганда, нафақат жавобгарлик чораларини енгиллаштиришни, бирор-бир жараённи соддалаштиришни, балки қонунчиликдаги камчиликларни бартараф этиш, уни замон талабларига мувофиқлаштиришни ҳам тушуниш керак.

Ҳамма бир нарсани англаши зарур: амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланишига олиб келади.

Рашитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.

(«Халқ сўзи», 2008 йил 27 май).

---

1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

БОЛАЖОНЛАР ДУНЁСИ – ГЎЗАЛ

– Мусиқага ихтисослаштирилган бу боғчада 100 га яқин бола тарбияланади,– дейди шаҳар халқ таълими бўлими услубчиси Венера Умархўжаева. – Шаҳарда бирор тадбир уларнинг иштирокисиз ўтмайди. Рақсга тушиш, қўшиқ айтишда бу боғча болалари энг етакчи. Боғча мудираси Гулбаҳор Абдураҳмонова эса "Йил тарбиячиси – 2007" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби деб топилган.

– Бугун боғчамизда ўзига хос байрам. "Жажжи гўзал" танловини ўтказаётгандик, – деди Гулбаҳор Абдураҳмонова қувонч билан.

Байрамона безатилган катта залда бир-биридан чиройли кийинган кичкинтойлар "Лазги" куйига рақсга тушардилар. Танлов якунланиб, ғолибларга совғалар улашилди. Болажонларнинг чеҳрасидаги табассумни кўриб, биз ҳам қувондик.

– Бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади, – деди тарбиячи Комила Иброҳимова. – Мақсад – болажонларда мусиқага нисбатан чуқур кўникма ҳосил қилиш. Танловларда асосан миллий қўшиқларимиз, айниқса, санъатимиз дурдоналари ҳисобланмиш халқ куйлари, фольклор асарларига мурожаат қиламиз. Чунки болалар тарбиясида куй ва қўшиқларнинг аҳамияти ниҳоятда юксак.

Боғчада кичкинтойларга, шунингдек, тасвирий санъат, каштачилик, нутқ ўстириш каби йўналишларда ҳам тарбия берилади. Халқимизда шундай нақл бор: "Болаликда берилган билим тошга битилган нақш кабидир". Дарҳақиқат, болажонларга мурғак ёшидан ўргатилган ҳар бир нарса келажакда ўз натижасини бериши шубҳасиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).



«МЕН СПОРТЧИ БЎЛАМАН»

– Катта бўлганингда ким бўласан?– деб сўрадик 7-боғчада тарбияланаётган уч-тўрт боладан.

Улардан бири Рустам Қосимжоновдек шахматчи, бошқаси Муҳаммадқодирга ўхшаган боксчи ё бўлмаса Абдулла акамдек (Тангриев) курашчи бўламан, деб жавоб қайтарди. Боиси, ушбу мактабгача таълим муассасаси жисмоний тарбияга ихтисослаштирилган. Боғчадаги олти гуруҳда 150 нафар кичкинтой тарбияланмоқда.

– Президентимиз "Фарзандлари соғлом юрт баркамолдир" деб бежиз айтмаган, – деди боғча мудираси Дилором Худойбердиева. – Болани соғлом, жисмонан чиниқтириб ўстирсангиз, энг аввало, касал бўлмайди, бақувват бўлиб улғаяди, юрт корига ярайди. Биз ана шу жиҳатга катта эътибор бераяпмиз. Ўтган йили мактабгача ёшдаги болалар ўртасида ўтказилган шашка бўйича шаҳар биринчилигида бизнинг боғча тарбияланувчилари ғолиб деб топилди.

Боғчада болаларни ҳам жисмонан, ҳам ақлан баркамол қилиб вояга етказиш йўлида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳар бири кичкинтойларда спортга бўлган қизиқишни кучайтирмоқда. "Табиатга саёҳат", "Мен қушларни севаман", "Гулзорим – чаманим" мавзуларида экологик тадбирлар ҳам ўтказилянти. Табиат қўйнида уюштирилган бундай учрашувлар болажонлар қалбида атроф-муҳитга нисбатан меҳр уйғотади.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: Янгийўл шаҳридаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятидан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Ниҳол – 2008

Мустақил Ўзбекистон, ҳур диёримиз мадҳи тилларда достон. Уни куйловчи оташқалб ёшларимизнинг сон-саноғи йўқ. Ватан ишқида ёнган дил розини тинглаш баробарида уни муносиб баҳолаш, рағбатлантириш эса маънавий зарурат дейиш мумкин. Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган "Ниҳол" кўрик-танлови ана шундай эзгу мақсадда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлардан биридир.



МАДҲИНГ КУЙЛАБ ТОЛМАЙМАН, ВАТАН!

Вилоят маънавият тарғибот марказида ўтказилган "Ниҳол – 2008" кўрик-танловида шаҳар ва туманларимиздан сараланиб, вилоят босқичига кўтарилган 22 қатнашчи мусиқа, рақс, мумтоз қўшиқчилик, эстрада ва опера йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Кўрик ҳақиқатан ҳам маънавий баркамол, ҳар соҳада етук, маданиятли ёшларни кашф этди. Улардан ўн нафари республика босқичига танлаб олинди.

Айниқса, мумтоз қўшиқчилик санъати ихлосмандларининг ёрқин истеъдоди, рақс, эстрада қўшиқларининг маҳорат билан ижро этилаётганлиги санъатсевар халқимизнинг маънавий-маданий мероси, имкониятлари беқиёслигидан дарак беради. Ўз навбатида қизиқиш ва интилишлари муносиб баҳоланиб, рағбатлантирилаётган ёшларимиз келгусида озод Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига садоқат билан хизмат қилишларига шубҳа йўқ.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ХОҲЛАГАН КАСБИНГИЗНИ ТАНЛАНГ

Ҳар йили кўплаб ёшлар умумтаълим мактабларини битириб чиқишади. Уларнинг бир қисми олий ўқув юртларида таълим олишни давом эттиради. Аксарият ёшлар эса бирор ҳунар эгаси бўлиш мақсадида касб-ҳунар коллежларига киришга ҳаракат қилишади.

Айнан шу ўринда уларга ёрдам қўлини чўзиш, ўз қизиқишларига мос касбни танлашларига кўмаклашиш, кейинчалик ҳаётда ўзларига муносиб ўрин эгаллашларида муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадни кўзлаб, кейинги пайтларда коллеж ўқувчилари қўли билан яратилган турли маҳсулотлар кўргазмасини ўтказиш яхши анъанага айланди.

Айни кунларда Чирчиқдаги Олимпия захиралари коллежида навбатдаги ана шундай тадбир давом этмоқда. Вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан уюштирилган ушбу "Маҳорат – 2008" кўргазмасида вилоят коллежлари устахоналарида ўқувчилар тайёрлаган турли маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

– Уч кун давом этадиган бу муҳим тадбирда вилоятнинг 95 та коллежидан 300 дан ортиқ иқтидорли, қўли гул ўқувчи ўзи тайёрлаган маҳсулотлари билан қатнашмоқда, – дейди Олимпия захиралари коллежи директорининг маънавият ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Маъмура Хўжаева. – Айниқса, Олмалиқ, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари коллежлари жамоалари намойиш этаётган маҳсулотлар кўпчилик эътиборини жалб этмоқда.

Кўргазма якунида энг яхши деб топилган коллеж ҳамда ўқувчилар рағбатлантирувчи совғалар билан тақдирланади.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Машғулот

ҒАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР БЕЗАГИ

ўқувчиларга манзур бўлиши ва уларни оммавий жалб этиши муҳаррир ва мутахассислардан иқтидор ва маҳорат, тинимсиз изланиш, илғор тажрибаларни ижодий ўрганишни талаб этади

Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари фаолиятига замонавий андозаларни жорий этиш масалалари» мавзусида машғулот ўтказилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди «InfoCom.Uz» журнали билан ҳамкорликда ташкил этган машғулотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, дизайн соҳаси мутахассислари, фотомухбирлар, веб-сайт усталари, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Машғулот давомида оммавий ахборот воситалари фаолиятини бугунги халқаро талабларга мос ҳолда такомиллаштириш, газета ва журналларни техник жиҳатдан безашни, материалларни саҳифалаштиришни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, босма нашрларнинг веб-сайтлари ва фотомухбирлар малакаси ҳамда маҳоратини оширишга оид устувор вазифалар, муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида маърузалар тингланди.

Шундан сўнг бошланган мунозара ва савол-жавоблар жараёнида мамлакат оммавий ахборот воситалари мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида миллий медиа бозори ривожланиб бораётгани, бу эса ўз навбатида оммавий ахборот воситаларидан ахборот майдонида соғлом рақобат тамойиллари асосида ўзларига яраша ўрин эгаллашларини, нафақат мазмун, балки безак ва услуб жиҳатидан ҳам юқори савияга кўтарилишлари лозимлигини тақозо этаётганлиги ҳақида сўз борди. Бугунги кунда аксарият таҳририятларда дизайн ва саҳифалаш, веб-сайтлар ва интернет-ресурслар билан ишлаш бўйича мутахассислар ҳамда малакали фотомухбирлар етишмаётганлигини ҳисобга олиб, малака ва маҳорат ошириш ўқув-машғулотларни ташкил этиш ҳақида таклифлар билдирилди.

Шунингдек, машғулот доирасида Фонд томонидан таҳририятларнинг дизайн ва саҳифалаш мутахассислари, фотомухбирлар, веб-усталар малакасини ошириш, шу соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида «InfoCom.Uz» журнали қошида ташкил этилган маҳорат мактабининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти хўжалик судининг 29.03.2006 йилдаги 11-0619/1054-сонли ва 04.09.2006 йилдаги 11-0619/9272-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган, "Учар-Юм" х/фга тегишли бўлган, Зангиота тумани Иттифоқ қ.ф.й., Тўқимачи ж/х манзилида жойлашган қуйидагилар: а) "Маъмурий бино" майдони 340 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 9 483 208 сўм.** б) "Омборхона" майдони 432 кв.м. Бошланғич баҳоси – 12 865 806 сўм. в) "Компрессорная" майдони 420 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 15 401 222 сўм.**

2. Тошкент вилояти хўжалик судининг 30.04.2007 йилдаги 11-0719/1544-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Гидравлика" УТДга тегишли бўлган, Зангиота тумани, Ўртаовул қўрғони, А. Темур кўчаси, 102-уй манзилида жойлашган, майдони 417,20 кв.м бўлган, "Омборхона биноси". **Бошланғич баҳоси – 14 676 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йил 1 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

II. Шунингдек, 2008 йил 17 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда.

1. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 29.01.2007 йилдаги 11-0610/13130-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Чирчиқ ГПРИ-ЭПДХ"га тегишли, Чирчиқ шаҳар, У. Юсупов кўчаси, 24-а уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: а) "ГАЗ-31029" русумли, д/р 11 AD 012 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 746 778 сўм.** б) "КАВЗ-3270" русумли, д/р 11AV613 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 792 266 сўм 40 тийин.**

2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 21.05.2007 йилдаги 11-0719/2091-сонли, 22.10.2007 йилдаги 11-0723/8912-сонли, 07.01.2008 йилдаги 11-0623/9344-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, "Янгийўл МТП" ОАЖга тегишли, Янгийўл тумани, Ниёзбош қ.ф.й.да жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: а) "Ошхона биноси", майдони 133,76 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 7 210 588 сўм.** б) "Ёрдамчи хона" (уборная), майдони 29,79 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 130 347 сўм.**

3. Тошкент вилояти, Зангиота туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти Зангиота туман судининг 13.02.2008 йилдаги 48/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Зангиота туман "Матлуботсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган, "ГБАС-ПГГАЗ-53" русумли, д/р 11 К 1978 бўлган, 1984 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 5 600 000 сўм.**

Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасининг 2008 йил 27 майдаги 140-Д-сонли буйруғига асосан, якка тартибда уй-жой қуриш мақсадида хусусий мулк сифатида сотилиши белгиланган, Паркент тумани, Паркент шаҳри, Истиқбол кўчаси ҳудудидаги ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган, жами 20 та – 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40-ер майдонлари қўйилмоқда. **Бир ер майдонининг бошланғич баҳоси – 78 920 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йил 3 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Ер майдонлари 3 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 10, 17, 24 июль кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан уч кун олдин тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 2

OZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 22.55 «Иқлим».
7.05, 23.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00 «Таҳлилнома».
8.50, 14.20, 17.15 «Олтин мерос».
8.55, 18.00 «Изҳор».
9.00 «Қирол шер». М/ф.
10.35 «КиноТеатр».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
13.10 «Ҳамон ёдимда...».
13.50 «Нодир хазина».
14.25 «Патагония – жануб ери».
15.15 «Оққуш». В/ф.
16.15 «Бир ўлка-ки...».
16.35 Долзарб мавзу.
17.20 «Оромгоҳлар мавсумга шайми?».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.05 «Сизнинг адвокатингиз».
18.10 «Оқшом ёғдулари».
18.20 «Пойдевор». Т/с.
18.50 «Бир кун».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.35 «Муқаддас қадамжолар».
21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».

YOSHLAR

6.55 «Ватаним менинг!».
7.00, 17.00 «Даврнинг боласи».
7.10, 17.10 «Мультипанорама».
7.30 «Болалар давраси».
8.00 «Кичкина табиб». Б/ф.
9.30 «Акс».
10.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.30 «Рўзғор мактаби».
11.00 «Салом, таътил!».
12.00 «Роботлар». М/ф.
13.20 «Эверест».
14.00 «Гаройиб бола». Б/ф.
15.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.
15.50 «Нафосат олами».
16.10 «Экспедиция». Т/с.
16.55 «Болалар илҳоми».
17.35 «Болалар табассуми».
17.40 «Мароқли физика».
17.50 «Келажак овози».
18.00 «Мулки мумтоз».
18.10 «Yoshlar» анкетаси.
18.15 «Капитан Немо». Т/с.
18.50, 21.05 «UzEX хабарлари».
18.55 «Юрт тинчлиги».
19.30 «Алия». Т/с.
20.10 «Телетуҳфа».
20.15 «Биз – ёшлар!».
20.20 «Зулфия издошлари».
20.30 «ТВ-банк».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Тошкент – 2200».
21.10 «Жумонг». Т/с.
21.55 «Тошкент оқшоми».
22.30 «Самарқанд гавҳари».
22.35 «SMS-мусиқа».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Таскин».

TOSHKENT

17.55 М/ф «Яшил водий сири»
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 «Милагрос». Т/с.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Стрекоза».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.25 «Малахов +».
9.30 «Версия».
10.00 Т/с «Татьянин день».
11.30 «Секрет камней». Д/ф.
18.00 «Полвонжон».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.50 «Спортимиз маликалари».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Футбол шарҳи».
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 Теннис.
21.50 «Случайная встреча». Х/ф.
23.10 ФУТБОЛ. ХАЛҚАРО УЧРАШУВ.

Марказ

7.00, 13.20, 18.00, 19.50, 21.05 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ».
8.30, 17.00 Мировые хиты.
9.30 Т/с «Париждаги муҳаббат».
11.00 Prime time.
11.30 «Рэмбо-4». Х/ф.
14.30 «Премьера».
15.30 Мультфильм.
17.30 «Кинокурьер»
19.00 Т/с «Соф муҳаббат».
20.30 «Топ-10».
21.30 Т/с «24 часа».
22.20 «Кажется, я люблю свою жену». Х/ф.
00.05 Миксер.

Первый

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.25 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.25 «Агент национальной безопасности». Т/с.
12.20 «Детективы».
13.20 «Понять. Простить».
14.20 «Писатель и вождь. Александр Фадеев».
15.05 «Огонь любви». Т/с.
15.55 «Федеральный судья».
17.20 Жди меня.
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка». Т/с.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Морской патруль». Т/с.
21.30 «Евгений Матвеев. Последние 24 часа».
22.30 Х/ф «Лошадь распятая и воскресшая».
23.40 Теория невероятности.
00.25 Х/ф «Бешеные деньги».
2.30 Х/ф «Гонка века».

СЕШАНБА 3

OZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 22.55 «Иқлим».
7.05, 23.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 14.20, 17.15 «Олтин мерос».
8.45, 18.20 «Пойдевор». Т/с.
9.15, 18.15 «Изҳор».
9.20 «Жаҳонни забт этган санъат».
9.40 «Ўйла, Изла, Топ!».
10.20 «Картошкалар ва аждарҳо». М/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
13.05, 21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
14.25 «Денгиз тубидаги синоатлар».
15.15 «Заковат».
16.20 «Мозий сирлари».
17.20 «Фарз ва қарз».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Ҳудудлар ҳаёти».
18.55 «Камолот остонаси».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.35 Эркин мавзу.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».

YOSHLAR

6.55 «Ватаним менинг!».
7.00, 17.00 «Даврнинг боласи».
7.10, 17.10 «Мультипанорама».
7.30 «Таътил тухфаси».
8.45 «Мароқли зоология».
9.10 «Нафосат олами».
9.20, 19.30 «Алия». Т/с.
9.55, 18.50, 21.05 «UzEX хабарлари».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 15.00 «Ёшлар майдони».
11.10 «Kinomaniya».
11.40 «Навоий хазинаси».
11.45, 18.00 «Мулки мумтоз».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Чемпион».
13.10 «Ватанпарвар».
13.40, 22.35 «SMS-мусиқа».
14.00, 18.15 «Капитан Немо». Т/с.
14.35 «Улуғ неъмат».
14.40 «Ёшлар йили».
14.50 «Зулфия издошлари».
16.10 «Экспедиция». Т/с.
16.55 «Болалар илҳоми».
17.35 «Болалар табассуми».
17.40 «Мароқли физика».
17.50 «Келажак эгалари».
18.10 «Yoshlar» анкетаси.
18.55 «Юрт тинчлиги».
20.10 «Телетуҳфа».
20.15 «Аёлга таъзим».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Тошкент – 2200».
21.55 «Ватан меҳри».
22.30 «Самарқанд гавҳари».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Таскин».

TOSHKENT

17.55 М/ф «Яшил водий сири».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Ҳимоя».
20.20 «Милагрос». Т/с.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Ҳаттотлик санъати».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Остров сокровищ».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.50 Т/с «Татьянин день».
11.20 Кураш.
18.00 Болалар спорти.
18.15 Мультфильм.
18.50 «Ёшлик шижоати».
19.10 «Жаҳон спорти юлдузлари».
19.25 «Тяжелое счастье». Д/ф.
19.50 Оғир атлетика.
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 Теннис.
21.50 ФУТБОЛ. ХАЛҚАРО УЧРАШУВ.
23.25 «Хроники Хуаду: лезвие Розы». Х/ф.

Марказ

7.00, 8.30, 10.20, 13.20, 18.00, 19.50 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 19.00 Т/с «Соф муҳаббат».
11.00, 21.00 Мировые хиты.
11.30 «Кажется, я люблю свою жену». Х/ф.
14.30 «Кинокурьер».
15.30 Мультфильм.
17.00 «Baby Terra Landiya».
17.30 «Премьера».
21.30 Т/с «24 часа».
22.20 «Обмануть всех». Х/ф.
00.10 Миксер.

Первый

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.25 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.25 «Агент национальной безопасности». Т/с.
12.20 «Детективы».
13.20 «Понять. Простить».
14.20 «Иван Васильевич меняет профессию».
15.05 «Огонь любви». Т/с.
15.55 «Федеральный судья».
17.25 «Пусть говорят».
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка». Т/с.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Морской патруль». Т/с.
21.30 «Тюремный роман».
22.30 Х/ф «Лошадь распятая и воскресшая».
23.40 Х/ф «Альфа-Дог».
1.40, 2.30 Х/ф «Акушерки».

ЧОРШАНБА 4

OZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 22.55 «Иқлим».
7.05, 23.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 14.20, 17.15 «Олтин мерос».
8.45, 18.20 «Пойдевор».
9.15, 18.00 «Изҳор».
9.20 «Тупроқдаги мўъжиза».
9.40 «Бизнинг кутубхона».
9.50 «Картошкалар ва аждарҳо».
10.10 «Тиниб-тинчимас чоллар».
10.40 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
11.50 «Работи Малик».
13.05, 21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
14.25 «Яшил хазина».
16.20 «Муқаддас қадамжолар».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.05 «Сизнинг адвокатингиз».
18.10 «Тошкент фавворалари».
18.55 «Рангин дунё».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.35 «Одамлардан бири».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».

YOSHLAR

6.55 «Ватаним менинг!».
7.00, 17.00 «Даврнинг боласи».
7.10, 17.10 «Мультипанорама».
7.30 «Таътил тухфаси».
8.45 «Мароқли зоология».
8.45 «Мароқли зоология».
9.10 «Ёшлар симфонияси».
9.20, 19.30 «Алия». Т/с.
9.55, 18.50, 21.05 «UzEX хабарлари».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 15.00 «Ёшлар майдони».
11.10 «Яшаш сирлари».
11.30 «Келажак овози».
11.40 «Бобур хазинаси».
11.45,18.00 «Мулки мумтоз».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Чемпион».
13.10 «Соғлик – бойлик».
13.30 «Нафосат олами».
13.40, 22.35 «SMS-мусиқа».
14.00, 18.15 «Капитан Немо». Т/с.
14.35 «Улуғ неъмат».
14.40 «Умр баҳори».
16.10 «Экспедиция». Т/с.
16.55 «Болалар илҳоми».
17.35 «Болалар табассуми».
17.40 «Мароқли физика».
17.50 «Камолот».
18.10 «Yoshlar» анкетаси.
18.55 «Юрт тинчлиги».
20.10 «Телетуҳфа».
20.15 «Аёлга таъзим».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Тошкент – 2200».
21.55 «Ватан меҳри».
22.30 «Самарқанд гавҳари».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Таскин».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 18.50 «Эсмеральда». Т/с.
8.55, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.15, 11.25, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.20 «Ҳимоя».
9.30, 10.30, 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45, 20.50 «Репортаж».
9.55, 21.45 «Ўйларим».
10.00, 19.25 Музыка SMS.
10.25, 18.25 «Биласизми?».
10.40, 20.20 «Милагрос». Т/с.
11.10 «Мысли вслух».
11.15 «Будьте здоровы».
11.35 Х/ф «Остров сокровищ».
17.55 М/ф «Бахт ўзи нима?».
19.50 «Мисли гавҳар».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Эртамиз эгалари».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Сокровище Амазонки».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.50 Т/с «Татьянин день».
11.20 Кураш.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 Мультфильм.
18.50 «Гейм-Сет-Матч».
19.10 «Иқтидор».
19.50 «Спортлото».
20.00 «Новая экономика».
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 Теннис.
21.50 «Похищенный». Х/ф.

Марказ

7.00, 8.30, 10.20, 13.20, 18.05, 19.50 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 19.00 Т/с «Соф муҳаббат».
11.00, 17.00, 21.00 Мировые хиты.
11.30 «Обмануть всех». Х/ф.
14.30 «Спец репортаж».
15.30 Мультфильм.
17.30 «Топ-10».
21.30 Т/с «24 часа».
22.20 «Грозный перевал». Х/ф.
00.20 Миксер.

Первый

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.15 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.30 «Агент национальной безопасности». Т/с.
12.20 «Детективы».
13.20 «Понять. Простить».
14.20 «Три века одного человека».
15.05 «Огонь любви». Т/с.
15.55 «Федеральный судья».
17.20 «Пусть говорят».
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка». Т/с.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Морской патруль». Т/с.
21.30 «Уж замуж невтерпеж».
22.30 Ударная сила.
23.30 Х/ф «Места в партере».
1.20, 2.30 Х/ф «Мертвая вода».

ПАЙШАНБА 5

OZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 22.55 «Иқлим».
7.05, 23.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 14.20, 17.15 «Олтин мерос».
8.45, 18.20 «Пойдевор». Т/с.
9.15, 18.00 «Изҳор».
9.20 «Миздақхон».
9.40 «Цирк, цирк, цирк».
10.00 «Картошкалар ва аждарҳо».
10.20 «Тиниб-тинчимас чоллар».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
13.05, 21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
14.25 «Яшил хазина».
15.20 «Оҳанрабо».
16.00 «Одамлардан бири».
16.20 «Камолот остонаси».
16.40 «Имконият».
17.20 «Навоийни англаш».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.05 «Шоҳизинда».
18.50 «Тарих кўзгуси».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.30 «Ҳонадон».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».

YOSHLAR

6.55 «Ватаним менинг!».
7.00, 17.00 «Даврнинг боласи».
7.10, 17.10 «Мультипанорама».
7.30 «Таътил тухфаси».
8.45 «Мароқли зоология».
9.10 «Тошкент таронаси».
9.20, 19.30 «Алия». Т/с.
9.55, 18.50, 21.05 «UzEX хабарлари».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 15.00 «Ёшлар майдони».
11.10 «Автопатруль».
11.30 «Келажак эгалари».
11.40 «Навоий хазинаси».
11.45, 18.00 «Мулки мумтоз».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Чемпион».
13.10 «Ўзбегим либослари».
13.40 «SMS-мусиқа».
14.00, 18.15 «Капитан Немо». Т/с.
14.35 «Улуғ неъмат».
14.40 «Кўзгу». Ҳажвия.
16.10 «Экспедиция». Т/с.
16.55 «Болалар илҳоми».
17.35 «Болалар табассуми».
17.40 «Мароқли физика».
17.50 «Ёшлар ва таълим».
18.10 «Yoshlar» анкетаси.
18.55 «Юрт тинчлиги».
20.10 «Телетуҳфа».
20.15 «Аёлга таъзим».
20.20 «Ёш оилага эътибор».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Тошкент – 2200».
21.55 «Ватан меҳри».
22.30 «Kinomaniya».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Таскин».

TOSHKENT

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 18.50 «Эсмеральда». Т/с.
8.55, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.15, 11.20, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.20 «Камер оркестрининг концерти».
9.30, 10.30, 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
9.40 «Эртамиз эгалари».
9.55, 21.45 «Ўйларим».
10.00, 19.25 Музыка SMS.
10.25, 18.25 «Биласизми?».
10.40, 20.20 «Милагрос». Т/с.
11.10, 20.50 «Интервью».
11.30 Х/ф «Сокровище Амазонки».
17.55 М/ф «Сехрли сандиқ».
19.50 «Экономическое ревю».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
22.10 «Нақшлар жилоси».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «18/14».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.50 Т/с «Татьянин день».
11.20 Кураш.
18.00 «Халқ ўйинлари».
18.20 «Тет-а-тет».
18.50 «Тақдир чизгилари».
19.10 «Мониторинг».
19.30 «Шарқ яккакурашлари».
19.50 Оғир атлетика.
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 Теннис.
21.50 ФУТБОЛ. ХАЛҚАРО УЧРАШУВ.
23.25 «Суета сует». Х/ф.

Марказ

7.00, 8.30, 10.20, 13.30, 17.30, 19.50, 21.00 Ўзбек наволари.
8.00, 15.00, 18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ».
9.30, 19.00 Т/с «Соф муҳаббат».
11.00 Мировые хиты.
11.30 «Грозовой перевал». Х/ф.
14.30 «Премьера».
15.30 Мультфильм.
17.00 «Baby Terra Landiya».
20.30 «JannatMakon».
21.30 Т/с «24 часа».
22.20 «Национальная безопасность». Х/ф.
00.05 Миксер.

Первый

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.15 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.30 «Агент национальной безопасности». Т/с.
12.20 «Детективы».
13.20 «Понять. Простить».
14.20 «Двое над пропастью».
15.05 «Огонь любви». Т/с.
15.55 «Федеральный судья».
17.20 «Пусть говорят».
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка». Т/с.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Морской патруль». Т/с.
21.30 «Человек и закон».
22.30 Искатели.
23.35 Х/ф «Вариант «Зомби».
1.10, 2.30 Х/ф «Месть».

ЖУМА 6

OZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 22.55 «Иқлим».
7.05, 23.10 «Икки тақдир». Т/с.
7.45 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 14.20, 17.15 «Олтин мерос».
8.45, 18.20 «Пойдевор». Т/с.
9.15, 18.00 «Изҳор».
9.20 «Тандир, арча, олов».
9.35 «Картошкалар ва аждарҳо». М/с.
9.50 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
10.15 «Табаррук замин».
10.35 «Бекат».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Ҳаёт синовлари». Т/с.
11.50 «Мафтункор Бахмал».
13.05, 21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
14.25 «Яшил хазина».
15.15 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
16.15 «Тарих кўзгуси».
16.40 «Меҳр кўзда».
17.20 «Саломатлик дастури».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.05 «Сизнинг адвокатингиз».
18.10 «Ҳаёт манзаралари».
18.50, 20.50 «Минг бир ривоят».
18.55 «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
21.35 «Янги наволар».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».

YOSHLAR

6.55 «Ватаним менинг!».
7.00, 17.00 «Даврнинг боласи».
7.10, 17.10 «Мультипанорама».
7.30 «Таътил тухфаси».
8.45 «Мароқли зоология».
9.10 «Ёшлар симфонияси».
9.20, 19.30 «Алия». Т/с.
9.55, 18.50, 21.05 «UzEX хабарлари».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10, 15.00 «Ёшлар майдони».
11.10 «Автопатруль».
11.30 «Келажак эгалари».
11.40 «Навоий хазинаси».
11.45, 18.00 «Мулки мумтоз».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Чемпион».
13.10 «Ёш оилага эътибор».
13.10 «Сеҳрли қўллар».
13.40, 22.35 «SMS-мусиқа».
14.00, 18.15 «Капитан Немо». Т/с.
14.35 «Улуғ неъмат».
14.40 «Умр баҳори».
16.10 «Экспедиция». Т/с.
16.55 «Болалар илҳоми».
17.35 «Оқ кабутар».
17.40 «Мароқли физика».
17.50 «Ёшлик баёзи».
18.10 «Yoshlar» анкетаси.
18.55 «Юрт тинчлиги».
20.10 «Телетуҳфа».
20.15 «Биз – ёшлар!».
20.20 «Қўнмас юлдузлар».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Тошкент – 2200».
21.55 «Юртим юраги».
22.30 «Самарқанд гавҳари».
**23.00 «

Спорт ... Спорт ... Спорт Спорт ... Спорт ... Спорт Спорт ... Спорт ... Спорт

МАҚСАД – СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ

Бўка туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси прокуратура ҳамкорлигида 54 та умумтаълим мактаби ва 15-меҳрибонлик уйи ўқувчилари ўртасида футбол, волейбол ва эстафетали югуриш бўйича туман биринчилигини ўтказди.

Волейбол бўйича 15-умумтаълим мактаби жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Шоҳсупанинг кейинги ўринлари 15-меҳрибонлик уйи ва 35-мактаб спортчиларига насиб этди. 15-мактаб жамоасининг вакили Юлдуз Қосимова "Энг яхши ўйинчи" номинациясига сазовор бўлди.

Футбол мусобақаларида барча рақиблардан катта устунликда ғолибликка эришган 1-мактаб чарм тўп усталари биринчи ўринни эгаллаб, рангли телевизор ва фахрий ёрлиқ билан тақдирландилар.

– Мазкур мусобақаларни ўтказишдан мақсад ҳам ўғил-қизларимизда спортга қизиқиш ва меҳр уйғотишдир, – деди туман прокурори Дилшод Исроилов. – Зеро, болаликдан спортга ошнолик ёшларимизни халқаро майдонларга ундайди.

Хуррият МЎМИНОВА.

СУРАТДА: ғолибларни тақдирлаш пайти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

МЕЗБОНЛАР УСТУНЛИГИДА ЎТДИ

Тошкент туманидаги Келес автомобиль мактабида техник ва амалий аҳамиятга молик мусобақаларнинг 2008 йил учун мўлжалланган тақвим режасига мувофиқ вилоят очиқ чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган баҳсларда тўрт тоифа, яъни 18 дан 45 ёшгача бўлган 30 дан зиёд спортчи иштирок этди.

Улар тўрт спорт тури – ўқ отиш, югуриш, автомобилни белгиланган шаклда ҳамда тежамли бошқариш бўйича мусобақалашдилар.

Якуний натижаларга кўра, 1-ўринни эгаллаган Келес автомобиль мактаби жамоаси вилоят чемпиони бўлди. Паркент тумани кенгаши ўқув спорт-техника клуби жамоаси иккинчи, Янгийўл автомобиль мактаби жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

«ЗАФАР» ЁШ ФУТБОЛЧИЛАРНИ ҚАРШИЛАДИ

Ёшлар йили муносабати билан Бекобод тумани "Зафар" марказий ўйингоҳида туман прокуратураси соврини учун футбол турнири ташкил этилди.

"Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур" шиори остида ўтказилган мазкур турнирда 1993-1994 йилларда туғилган ўсмир ва қизлардан ташкил топган жамоалар иштирок этишди. Якуний натижаларга кўра, ўсмирлар ўртасида Акром Ғозиев мураббийлигидаги жамоа ғолиб деб топилди. Гулмира Эрматова мураббий бўлган қизлар жамоаси бошқа дугоналарига қараганда анча маҳоратли эканликларини намойиш этишди.

Шунингдек, Сарвиноз Отахонова, Умида Маматқулова, Сиддиқ Жуманов, Мурод Каримов, Шуҳрат Русалиев каби ёш чарм тўп усталари "Энг яхши ўйинчилар" сифатида эътироф этилди.

Ғолиб ва совриндорлар туман ҳокимлиги, прокуратураси ва болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими таъсис этган қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланишди.

Феруза ТЎРАЕВА.

Беғубор болаликнинг энг ширин дамларини ортда қолдириб, сўнгги қўнғироқ ҳам янгради. Ота-онангдек меҳрибон устозлар, ўз уйингдек қадрдон, бағри кенг мактабни тарк этиш лаҳзалари нечоғлик ҳаяжонли бўлса, шу қадар фараҳли.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ПАРВОЗИ

Ёшлар мустақил ҳаёт сари илк қадамларини қўймоқда. Истиқлол берган имкониятлар туфайли истаган касбни, мутахассисликни танлашлари мумкин. Мамлакатимизда ёшлар учун қуриб қўйилган замонавий кошоналар – ўрта-махсус касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари илмга чанқоқ, интилувчан ёшларимизга мунтазир.

Ангрендаги 35-ўрта умумтаълим мактабининг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу йил илк қалдирғочлар учирма бўлмоқда.

– Дастлаб боғча-мактаб мақомидаги муассасамиз, – дейди мактаб директори Ҳадича Болтабоева, – бошланғич синфлардан иборат бўлиб, бешинчи синфдан олис мактабларга қатнашга тўғри келарди. Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш ва мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурлари доирасида амалга оширилган ишлардан бири сифатида ушбу мактабимизнинг ташкил этилганлигини айтиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кунда бу ерда 239 ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг 29 нафари битирувчилар. Ҳар бирининг орзу истаклари, мақсадлари бор. Жамиятда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашлари учун барча имкониятлар етарли. Айниқса, ўқувчиларимизнинг спортга бўлган қизиқишлари кундан-кунга ортиб бораётганлигини айтмоқчиман.

Ҳақиқатдан ҳам, ўзгача ғурур, фахр билан даврага кириб келган ёш спортчиларнинг медаллари тенгдошларининг, ота-оналарнинг ҳавасини келтирди.

– Мен шаҳримиздаги "Қаҳрамон" таэквондочилар клубига аъзоман, – дейди қора белбоғ соҳиби Ҳасан Дўстбоев. – Кўпгина спорт мусобақаларида фаол қатнашиб, 1-, 2-ўринларни қўлга киритганман.

– Биз ҳам Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларида бўлиб ўтган мусобақаларда қатнашиб, 1-, 2-ўринларни эгаллаганмиз, – дейди акаука Алижон ва Шоҳжаҳон Турғунбоевлар. – Дўстларимиз Бахтиёр Мамедов, Жалолиддин Зайнобиддинов ҳам чемпион...

Болаларча беғуборлик зоҳир чеҳраларда ҳаётга, илмга чанқоқлик уфуриб турибди. Улар Ватан келажагини таъминловчи умидли ёшлар.

Битирувчилардан Нилуфар Қувондиқова эса "Энг яхши китобхон" танловининг мутлақ ғолиби. Келажакда у устозлари каби ўқитувчи бўлиш орзусида.

– Менинг қизим Зиёдахон Маткаримова мактабни аъло баҳоларга битирди, – дейди ота-оналар номидан сўзга чиққан Меҳринисо Гулбоева. – Энг фаол, намунали ҳулқ эгаси эканлигидан хурсандман. Устозларига минг раҳмат. Келажакда ўзи истаган касб эгаси – шифокор бўлиб, Ватан ишончини оқласа, устозлари умидини рўёбга чиқарса дейман.

Устозлар номидан сўзга чиққан меҳнат фахрийлари Қизилгул Султонова, Салима Жўраева ҳам катта ҳаёт бўсағасида турган ёшлар мустақил Ўзбекистоннинг муносиб фарзандлари бўлишларига ишонч билдириб, бунинг учун барча имкониятлар етарли эканлигини таъкидладилар.

Саида РАҲМОНОВА.

Таассуф

КРЕДИТ ПАЙСАЛГА СОЛИНМАГАНИДА

бу боғлар ҳозир ҳосилга кирган бўларди...

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ кўп соҳалар қатори аграр тармоқни изчил ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларини босқичма-босқич шакллантириб боришга устувор масала сифатида қаралди. Соҳани такомиллаштириш, хусусан, фермер хўжаликларини моддий қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратишнинг аниқ, ишончли дастурлари ишлаб чиқилди. Айниқса, бу борадаги ҳукумат қарорлари мустақил ер эгалари учун бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Афсуски, фермер хўжаликлари банк-молия муассасалари билан муносабатларда ҳали-ҳануз бир қанча муаммоларга дуч келаётирлар. Аксарият ҳолларда ваколатли банк идоралари мутасаддиларининг эътиборсизликлари ва масалага панжа орасидан қараётганликлари туфайли фермер кредит олишда сарсон бўлмоқда, суньий тўсиқларга дуч келмоқда.

Бундай ҳолатни Паркент туманидаги "Элзиёд" фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонуни талаблари ҳамда "Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан тижорат банки ҳамда "Элзиёд" фермер хўжалиги ўртасида 2004 йил декабрь ойида 10/2004-сонли кредит шартномаси имзоланган.

Мазкур шартномага асосан банк фермер хўжалигига 3 йил муддатга 9 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 1.632.000 сўм миқдорида кредит ажратиши, "Юксалиш" хусусий корхонаси кафиллик шартномасини тўлиқ расмийлаштириб, банкка тақдим этган кундан бошлаб у кучга кириши ва томонлар шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлиши белгиланган.

Кредит маблағи "Мадатова Мусаллам" деҳқон хўжалигига ("Элзиёд" фермер хўжалиги ва "Мадатова Мусаллам" деҳқон хўжалиги ўртасида 2004 йил 30 ноябрда тузилган 45-сонли шартномага мувофиқ) ток кўчатлари сотиб олиш учун 2004 йил 20 декабрь куни ўтказилган.

"Мадатова Мусаллам" деҳқон хўжалиги юридик шахс бўлмаганлиги, тадбиркорлик фаолияти тури чорвачилик бўлганлиги сабабли банк томонидан ўтказилган кредит маблағи кредит қўмитасининг 2004 йил 20 декабрдаги мажлис баёни ҳамда "Мадатова Мусаллам" деҳқон хўжалигига хизмат кўрсатувчи "Пахта банк"нинг Паркент бўлимига 2004 йил 20 декабрда юборилган 10.2/1453-сонли модемограммасига асосан орқага қайтарилган.

Шу куннинг ўзида, яъни 2004 йил 20 декабрда "Элзиёд" фермер хўжалиги ток кўчатларини сотиб олиш учун "Абдуллаева Мафжуда" деҳқон хўжалиги билан 15-сонли шартнома тузиб, банкка тақдим этган.

Амалиёт бошқармаси кредит қўмитаси аъзоларида берилаётган кредитнинг мақсадли ишлатилишига шубҳа уйғонганлиги важ қилиниб, улар томонидан "Абдуллаева Мафжуда" деҳқон хўжалигида ток кўчатлари мавжудлиги жойига чиқиб ўрганилди. Бироқ деҳқон хўжалиги раҳбари "ток кўчатларини кўрсатишдан бош тортди" деган мазмунда бир томонлама далолатнома расмийлаштирилиб, "Элзиёд" фермер хўжалигига ток кўчатларини сотиб олиш учун кредит ажратиш тўхтатиб қўйилди.

Бироқ, ҳозирги кунда томонлар ўртасида 2004 йил 10 декабрда тузилган 10/2004-сонли кредит шартномаси қонуний кучда бўлиб, бекор қилинмаган бўлсада, банк томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмай келинаётганлиги сабабли, Тошкент вилоят адлия бошқармаси "Элзиёд" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат килди. Унга кўра банкка 10/2004-сонли кредит шартномасига асосан кредит ажратиш мажбуриятини ҳамда бой берилган фойда, шунингдек, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган суд харажатларини юклашни, жумладан, жавобгар ҳисобидан 41.550.000 сўм пул маблағларини ундириб беришни сўраган.

"Абдуллаева Мафжуда" фермер хўжалиги раҳбари М. Абдуллаеванинг суд мажлисида берган кўрсатмасидан:

– 2004 йилнинг 22 декабрь куни ўзларини банк ходимлари деб таништирган икки киши Паркент шаҳар марказидаги дўконга келиб, банк кредити маблағлари ҳисобига "Элзиёд" фермер хўжалиги ток кўчатлари сотиб олиш ҳақида банкка шартнома тақдим этганлигини айтишди ва ушбу ток кўчатларини кўрсатишимни сўрашди. Мен кўрсатишга рози бўлдим, аммо 15 дақиқага банкка кириб чиқишим лозимлигини айтиб, ишларимни битириб чиққунимча, банк ходимлари кетиб қолишди. Улар томонидан шу куни менинг иштирокимда ҳеч қандай далолатнома тузилмади. Банк ходимлари шундан сўнг ток кўчатларини кўриш учун қайта келишмади. Биз ток кўчатларини "Элзиёд" фермер хўжалиги раҳбарининг илтимосига кўра бир йил давомида ушлаб турдик ва ниҳоят кўчатларни бошқа мижозларга сотиб юбордик.

Паркент тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг 2006 йил 26 июндаги 53-сонли маълумотномасида янги экилган ток кўчатлари тўртинчи йил ҳосил бериши ва унинг ҳосилдорлиги 100-110 центнердан тўғри келиши ҳамда 2005 йилда 1 гектар токзор учун қилинадиган харажатлар 320.000 сўм бўлганлиги қайд этилган. Шунингдек, "Паркент деҳқон бозори" ОАЖ берган маълумотномага кўра, 2005 йилнинг август-сентябрь ойларида 1 килограмм узумнинг нархи 300-600 сўм бўлганлиги маълум қилинган.

Қайд этилган ҳолатдан кўриниб турибдики, фермер хўжалигига имтиёзли кредит ўз вақтида берилиши таъминланмаганлиги натижасида, фермер хўжалиги катта миқдорда зарар кўрган, ернинг умри беҳуда ўтган.

Судда вазиятга қонуний баҳо берилиб, ваколатли банк зиммасига "Элзиёд" фермер хўжалигига кредит маблағини ажратиш мажбурияти юклатилди.

Ҳусан ҲАМИДҚОРИЕВ,
Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси.

Дўрмон ҳангомалари

ЎХШАШ АДИБЛАР

Таниш-билишлар Тоҳир Маликка «Сиз таниқли адиб Саид Аҳмадга жудаям ўхшайсиз!» дейишарди. Ҳазилкаш ёзувчи эса бу гапга жавобан «Йўқ, мен Саид Аҳмадга эмас, Саид Аҳмад менга ўхшайди» дея ўзича эътироз билдирарди. Бу гаплар қулоғига етиб боргач, Саид Аҳмад бир куни Тоҳир Маликни сиқувга олади:

– Сен бола нега бунақа деяпсан ўзи?

– Ростда, мен сизга ўхшасам саксонга яқинлашган чол бўлиб қоламан-ку, тўғрими?

– Ҳмм... умуман олганда тўғри, хўш, нима демоқчисан?

– Агар Сиз менга ўхшасангиз, энди қирққа кирган қирчиллама йигит бўлиб қоласиз!

– Э, тилингга шакар, ўғил бола. Майли, доимо шундай деб юравер айниқса, хотин-қизлар олдида кўпроқ гапир.

ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ОШҚОВОҚ

Кенг китобхонлар ўртасида маълум ва машҳур бўлиб кетган «Шайтанат» асарининг муаллифи, таниқли адиб Тоҳир Маликнинг чиройли лутфлари, нозик қочиримлари, ажойиб ҳазиллари ҳам ўзига хос, бетакрордир.

Адибнинг китоб ўқишни, жон қойитишни ёқтирмайдиган бир танбал мактабдош дўсти бор эди. У ҳар гал ёзувчи дўстини кўрганда «Китобни кўп ўқиганинг учун ҳам бошинг оғрийди, мана мен китоб ўқимайман – бошим ҳам оғримайди!» дея ўзича «маслаҳат» бериб турар, Тоҳир Малик эса «Шошмайтур ҳали, сени бир боплайки...» дея қулай фурсат кутиб юрар эди. Ниҳоят, шундай фурсат келади.

Бир куни ўз уйида дўстини сомса билан сийлаётган ўша мактабдоши гап орасида шундай дейди:

– Ошқовоқ яхшироқ жойда сақланса, бир йилда ҳам айнимас экан.

– Сен бир йиллик ошқовоқни гапиряпсан, мен сенга эллик йиллик ошқовоқни кўрсатишим мумкин, – дейди Тоҳир Малик тантанали.

– Сен фантаст ёзувчисанда, муболағани ҳам қийворасан, – дейди нимкосани пайқамаётган мезбон.

– Муболаға эмас, истасанг ҳозироқ кўрсатишим мумкин.

– Майли, кўрсата қол.

– Ана, елкангда турибди!

– Ҳали менинг каллам сенга ошқовоқ бўлиб қолдими?

– Китоб ўқимайдиган, бирон бир ақлли, жўяли гап айтмайдиган калланинг ошқовоқдан нима фарқи бор?!

ОЗОДЛИК ДАРАХТИ

Абдулла ака шогирди Шукур Қурбон билан Дўрмондаги далаҳовлисига кўчат экмоқчи бўлади. Ёрдамчилар келиб, кўчатлар оралиғи ва ернинг чуқурлигини рисоладагидек ўлчаб, қазиб кетишгач, бир четда энсаси қотиброқ ўтирган шоир шогирдидан илтимос қилади:

– Шукуржон, кетмонни олиб, мана бу чуқурларни кўмиб чиқ!

– Ие, ҳали кўчат экмасдан тупроқ тортамизми? – дея Шукур Қурбон ҳайрон бўлади.

– Улар кўрсатган жойга экмаймиз! – дейди Абдулла ака қатъий оҳангда. – Қаёққа борсанг чеклаш, маъ қилиш! Бу ерда ҳам шу – у ерга эмас, бу ерга эк! Оралиғи шунча! Чуқурлиги мунча! Йўқ, бу кўчатни ҳов ана у ялангликка экамиз! Озодликнинг ягона дарахти бўлиб кўкариб турсин!

Озодликнинг ўша ягона дарахти ҳали-ҳамон яшнаб, шаббодада нафис чайқалиб турибди.

Шодмон ОТАБЕК.

«Қорадори – 2008»

ТОМОРҚАДАГИ «НОЁБ» ЭКИНЛАР

Гиёҳвандлик балосига мубтало бўлганларнинг тақдири аянчли якун топади. Шунга қарамай, айрим юртдошларимиз билиб-билмай унинг таъсирига тушиб қолаётгани ачинарлидир.

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ўтказилаётган "Қорадори" тадбирининг мақсади мамлакатимизда наркотик моддалар билан ноқонуний муомала қилаётганларни аниқлаш ва уларнинг пайини қирқишдан иборат. Айни кунларда вилоят туманларида мазкур тадбирнинг иккинчи босқичи ўтказилмоқда. Тадбир давомида гиёҳвандлик моддаларининг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида профилактик суҳбатлар ўтказилиб, бу борада йўлиққан кимсаларнинг аянчли аҳволи тўғрисидаги видеофильмлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан маҳалла фаоллари иштирокида жамоат жойларида тушунтириш ишлари ҳам олиб борилаяпти. Наркотик моддалар билан муомала қилиш, таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни ўстириш, етиштириш ва уни сақлаш, сотиш ҳам жиноят эканлиги тушунтирилмоқда.

Бироқ, шунга қарамай, орамизда мўмай даромад илинжида таркибида гиёҳванд моддалари бўлган экинларни етиштириш билан шуғулланаётган кимсалар ҳам топилади. Жумладан, Янгийўл туманида ўтказилган тадбир давомида Ниёзбоши қишлоқ фуқаролар йиғини «Оқ олтин» маҳалласида яшовчи К. Алижон исмли фуқаронинг томорқаси текширилганида иссиқхонада нақ 5200 туп кўкнори парваришланаётганлиги аниқланди.

Чиноз туманида ўтказилган "Қорадори" тадбири жараёнида ички ишлар идоралари ходимлари Эски Тошкент қишлоқ фуқаролар йиғини, Бўлатов кўчасида яшовчи фуқаро Х. Матлубанинг уйини холислар иштирокида кўздан кечирганида 414 туп кўкнори ўсимлиги топилиб, улар йўқ қилинди.

Тадбирга жалб қилинган ички ишлар идоралари ходимлари тоғ ён-бағирларини, қир-адирларни, далаларни ҳам кўздан кечирмоқдалар. Яқинда шундай тадбир давомида Ўртачирчиқ тумани, Алишер Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини, Уйғур маҳалласида яшовчи Х. Қумри исмли аёлнинг томорқасида 59 туп, Оҳангарон шаҳар, «Шарқ» маҳалласида яшовчи А. Равшананинг томорқасида 11208 туп кўкнори ўстирилаётгани маълум бўлди.

Шунингдек, тадбирлар давомида наркотик моддалар савдоси ва уларни сақлаш билан машғул бўлган шахслар аниқланиб, қонуний жазо чоралари кўрилмоқда.

Шерали АНВАРОВ,
вилоят ИИБ матбуот маркази катта инспектори.

Ўзбекистон Болалар жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг 2008 йил 11 январдаги Раёсат қарорига асосан вилоят Адлия бошқармасидан 2001 йил 8 июнда ҳисоб рўйхатидан ўтган Ўзбекистон Болалар жамғармасининг Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар бўлими тугатилади.

Утерянную круглую печать ЧФ «DILOROM-DIANA» Юнусабадского района г. Ташкента,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент вилояти ҳокимлиги молия бошқармаси Вилоят молия бошқармасига замонавий компьютер техникаси ва вилоятдаги мактабгача таълим муассасаларига қаттиқ жиҳозлар етказиб бериш учун танлов эълон қилади.

Танлов шартлари:

– Замонавий компьютер техникасини воситачиларсиз етказиб берилиши;

– Жиҳоз ишлаб чиқарувчи ташкилотлар Тошкент вилоятида рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.

Танлов муддати: 2008 йилнинг 10 июнигача.

Манзил: Тошкент ш., Мовароуннаҳр кўчаси, 15-уй.

Тел.: 232-00-34, 233-76-99.

Мирзо Улуғбек туманидаги Марказий поликлиникага 2000 йилда берилган 04-00632 реестр рақамли далолатнома ва FN № 027047 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан 1996 йилда Джумабаев Рахимджан Розыкулович номига берилган № 115817 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Тошкентпарранда" масъулияти чекланган жамияти жамоаси жамият Кузатув кенгаши раиси Мирагзам Мирпўлатович Мирсоатовга укаси **Миразим МИРСОАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-440. Адади 8907. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 6 7 8